

ШАРТНОМА № 1

(қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида)

«05» 01 2022 йил

Бухоро тум.

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи жамият Низоми асосида фаолият олиб боровчи “**DXSH AHOLITRANS**” UK номидан раҳбар М.Саидов бир томондан ва бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритувчи корхона Низом асосида фаолият олиб боровчи АТБ “Ишчилов ҳурияти башка” номидан раҳбар Ҳ.О. Мухомедов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар.

1. Шартнома мазмуни.

1.1. “Ижрочи” ўзининг махсус автотранспорти орқали “Буюртмачи”нинг манзилидаги чиқинди тўплаш пунктларидан ёки кўнғирок усулида (қаттиқ маиший чиқиндилар)ни олиб чиқиб кетиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни (ҚМЧ) олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг сифати санитария, экологик ва қонунчиликда белгиланган бошқа мажбурий талабларга, шунингдек мазкур шартнома талабларига жавоб бериши лозим.

1.3. Олиб чиқиб кетилаётган ҚМЧлар ҳажми тасдиқланган меъёрлар (кейинги ўринларда тўпланиш меъёрлари деб аталади) бўйича аниқланади.

1.4. ҚМЧларнинг тўпланиш меъёрлари белгиланган тартибда Бухоро вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланади.

1.5. ҚМЧларни олиб чиқиб кетишнинг даврийлиги буюртмага асосан ҳафтада икки маротаба бироқ, аҳоли яшаш пунктлари, шаҳарнинг санитария ҳолати таъминланишини ва касаллик пайдо қилувчи бактериялар ривожланишининг олдини олиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, жойлардаги иқлим шароитлардан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган график асосида.

1.6. Мазкур шартнома радиоактив чиқиндилар, биологик чиқиндилар, даволаш-профилактика муассасалари чиқиндилари, зарарли моддаларни атроф муҳит (атмосфера)га чиқариб ташлаш ва зарарли моддаларни сув объектларига оқизиб юбориш билан боғлиқ бўлган ишлар соҳасидаги қонун билан тартибга келтирилган муносабатларга татбиқ этилмайди.

1.7. “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг буюртманомасига асосан йирик ва габаритли чиқиндилар (мебель, совутгичлар, велосипедлар, газ плиталари, болалар аравалари)ни, қорамол гўнгини, қурилиш чиқиндиларини, тупрокни, агротехника ишлари натижасида пайдо бўладиган чиқиндилари (новдалар, дарахт таналари, тўнкалар ва шох-бутоқлар)ни буюртманом ва алоҳида тўлов бўйича олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиши мумкин.

2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх ҳар бир 1м³ ҚМЧ учун ҚҚС(15 фоиз) билан 46 000 (қўрқ олти етти етти сўм) сўм.

2.2. Шартнома бўйича бир йиллик тўлов суммаси ҚҚС(15 фоиз) билан 1656 000 (Беш етти етти олти юз этти етти етти сўм) сўмни, бир ойда 138 000 (Беш юз этти етти сўм) сўмни ташкил этади.

2.3. “Буюртмачи” томонидан хизматлар ҳақи йил давомида 100 фоиз олдиндан тўлов тўлаш тартибида амалга оширилади.

2.4. Шартномада белгиланган ҳар бир 1м³ учун тариф ва меъёрлар ўзгарган тақдирда “Буюртмачи”га шаҳардаги телеканаллар ва матбуот орқали маълумот берилади ва янги таъриф ва меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.5. Агарда кўрсатилган хизматлар шартномада назарда тутилган суммадан ошган тақдирда, “Ижрочи” томонидан ортиқча кўрсатилган хизматлар ҳақи юк хати асосида тасдиқланган ҳолда “Буюртмачи” томонидан тўланиши шарт.

3. “Буюртмачи” мажбуриятлари.

3.1. Шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш.

3.2. Чикинди тўплаш пунктлари жойлашган майдончалар ва чикинди тўплаш пунктларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чикинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш.

3.3. ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда 655425483 телефониға телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочи”ға маълумот бериш.

3.4. Бажарилган ишнинг ҳажми бўйича “Ижрочи” томонидан тақдим қилинган ҳисоб-варақ фактурани тасдиқлаб бериш ва тўловларни тўлаш ҳамда шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланган “Чикиндиларни чиқариш қоидалари” талабларига риоя қилиш.

3.5. “Буюртмачиға” тегишли чикинди тўплагич мавжуд бўлган тақдирда, тўпланган ҚМЧлар тўғрисида “Ижрочи” нинг 655425483 телефони ехуд ёзма буюртма бериш.

3.6. “Буюртмачиға” тегишли чикинди тўплагич мавжуд бўлмаган тақдирда, шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган жадвал асосида ҳафтада икки марта тўпланган чикиндилар белгиланган жойға чиқариб қўйиш.

3.7. Кўп қаватли уйлар атрофида жойлашган “Буюртмачи” лар (ЯТТ, юридик ташкилотлар ва бошқалар) ҚМЧ тўпланадиган чикинди тўплагичларға ҚМЧларини жойлаштириш.

3.8. Шартномада кўзда тутилган шартлар ва муддатларға мувофиқ ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш хизматларидан фойдаланиш.

3.9. “Ижрочи”дан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш.

3.10. “Ижрочи” шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлиги учун “Буюртмачи” “Ижрочиға” нисбатан қонунчиликда ёки шартномада белгиланган пеня тўланишини талаб қилишға ҳақли.

4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари.

4.1. “Буюртмачи” ҳудудидан ҚМЧ ташланадиган чикинди тўплаш пунктларидан (ширкат яшиги ёки кўнғирок усулида) махсус автомашиналарда жадвал асосида чикиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.2. Бажарилган иш тўғрисида ҳисоб-варақлар электрон тарзда расмийлаштириб юбориш.

4.3. “Буюртмачи” томонидан берилган буюртма келиб тушган пайдан 3 кун муддат ичида ҳудудидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш.

4.4. Қонунчиликда ва мазкур шартномада белгиланган шартларға мувофиқ “Буюртмачи”ға зарур сифатдаги ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш.

4.5. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада белгиланган муддатларда “Буюртмачи”нинг буюртманомаларини бажариш.

4.6. ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш.

4.7. ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалға ошириладиган режими ва сифати бўйича “Буюртмачи”нинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шўнингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш.

4.8. Чикинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш.

4.9. ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучға киришидан 15 кун аввал “Буюртмачи”нинг абонентлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилиш.

5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. “Ижрочи” белгиланган муддатда ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кечиктирилган кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,4 фоиз миқдорида, “Буюртмачи”ға пеня тўлайди.

5.2. “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган хизматлар учун тўлов ҳақини ўз муддатида тўламаганлиги учун ижрочиға кечиктирилган ҳар бир кун учун ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иктисодий суди томонидан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

7. Форс-мажор.

7.1. Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

7.2. “Буюртмачи” ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда шартномада белгиланган тартиблардан ташқари, масалан чиқиндиларнинг таркиби (қурилиш таъмирлаш чиқиндилар, йирик ўлчамли ва мол чиқиндилари ҳамда шох-шабалар) учун алоҳида ёки қўшимча шартномавий муносабатга киришилади.

7.3. “Ижрочи” ўз вақтида ҚМЧларни олиб чиқиб кетишига тўсқинлик қиладиган ҳолатларда, (Фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар, зилзила, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ёки “Ижрочи”нинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар давлат томонидан ёнилғи ўз вақтида етказиб берилмаганлиги) жавобгарликка сабаб бўлмайди.

8. Шартноманинг муддати.

8.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил муддатда тузилади.

8.2. Шартнома тузиш вақтида амалда бўлган ва шартнома суммасини ҳисоблаш учун асос бўлган маълумотлар ҳолатлар ўзгарган тақдирда, “Ижрочи” шартнома суммасини бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бундан ҳолда шартнома суммаси ўзгарганлигини билдирувчи хатни “Буюртмачи”га ёзма хат орқали жўнатилган куни шартнома бир томонлама ўзгартирилган ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

9. Тарафларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари:

“Ижрочи”

“DXSH AHOLITRANS” UK

Манзил: Когон туман Беклар МФЙ

Тел./факс 65.228-10-28

Х/р 2020 8000 1053 2113 7001

АТ Халк банк Бухоро вилоят филиали

МФО 00116, ИНН 308 026 435, ОКЭД 38110

Рўйхатдан ўтиш коди:

ККС 306090136936

Раҳбар:

М.Сандов

М.Ў

Юрист:

“Буюртмачи”

Манзил: AKSIYADORLIK TIKORAT BANKI

“Qishloq qurilish bank”

GALA OSIYO FILIALI

X/р h/r 19907000800000975001

STIR 203612884 XXTUT 96120 MFO 00975

МФО Buxoro tumani, Gala Osiyo shahar,

OKЭД: Buyuk Ipak Yuli, ko'chasi 25 uy

Раҳбар:

М.Ў

